# ТАНТАНАЛИ НИШОНЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

республика Оқсоқоллар кенгаши ва Маҳалла жамғармаси раисининг ўринбосари Ҳусниддин Ҳасанов, Қуролли Кучлар академияси бошлиғининг ўринбосари генерал-майор Александр Қамбаров, Махсус факультет фахрийлари номидан сўз олган захирадаги подполковник Холиқжон Соатов ва бошқалар факультет жамоасига ўзларининг самимий табрикларини айтдилар, совғалар топширдилар.

Кейин тантанани олиб борган ТАТУ Махсус факультети бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Александр Тян сўз навбатини Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Маннобжон Аҳмедовга берди. Полковник Аҳмедов Мудофаа вазири Қодир Ғуломовнинг Махсус факультет жамоасига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди. Сўнгра Мудофаа вазирининг Тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарининг Махсус факультет 10 йиллиги муносабати билан чиқазган буйруғини факультет бошлиғи йиғилганлар эътиборига етказди. Буйруққа мувофиқ хизматда ўрнак кўрсатиб келаётган бир гуруҳ офицерларга Миннатдорлик эълон қилинди, Фахрий ёрлиқ ҳамда пул мукофотлари топширилди, Махсус факультетга видеомагнитофон совға қилинди.

Тантанали равишда нишонланган тадбирнинг расмий қисми якунлангач, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли, Мукаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекконцерт» бирлашмасининг «Етти гўзал» ҳамда Комилжон Отаниёзов номидаги «Лазги» ансамблларининг хушовоз хонандаю созандалари, раққосалари ижросида концерт дастури намойиш этилди. Сўнгра меҳмонлар, санъаткорлар тўй палови ва турли пишириқлар, мева-чевалар билан чиройли безатилган дастурхон атрофига таклиф қилинди.

Подполковник Худойназар ЖУМАНАЗАРОВ.

# Қунт билан ёндашади

Бошқарув пункти бошлиғи катта лейтенант Равшан Салимов ўқув машғулоти ниҳоясида қўл остидаги посбонларнинг ўз вазифаларини қандай бажаришганини бир-бир кузатиб чиқди. Планшетчи, оператор посбонларнинг ютуқларини таъкидлади, камчиликларини кўрсатди. Масалан, планшетчи оддий аскар Икром Ҳожиматовни мақтади. Аниқ, тезкор ҳаракат қилгани учун. Оддий аскар Равшан Турсунқулов эса бир оз иккиланиш, ҳаяжон билан устоз командирининг хулосасини кутарди. Ўтган гал ўқув машғулотида хатоликларга йўл қўйганди. Шунда пункт бошлиғи унга камчиликларини батафсил айтиб, бартараф этиш йўлларини-да тушунтирди. Очиғи, ўшанда Равшан командиридан бир оз ранжиганди. Ахир, сафдошлари олдида уни изза қилди-да. Обдон ўйлаб кўргач, фикри хато эканлигини англади, посбон. Қайтанга, соҳа бўйича маҳорати ошсин, аълочиларга етиб олсин, деган маънода йўл-йўриқ кўрсатган экан. Тўғри, бу сафар андак ҳаяжон бўлса-да, жанговар вазифани олдингисидан сифатли бажаришига амин эди, Равшан. Буни командирнинг эътирофи ҳам исботлади: «Баракалла адаш, анча ўзгариш бор. Шу зайлда давом эттирсанг, мавсумни яхши натижалар билан якунлайсан».

Бир нарсани таъкидлаш жоиз, оддий аскар Турсунқулов қизиққан нарсасига алоҳида қунт билан ёндашади. Унинг вазифаси оператор, аниқлаган маълумотларни зудлик билан ёзиб бориш. Бир қараганда, ушбу вазифа оддий, масъулияти енгилдек кўриниши мумкин. Аммо маълумотларни қайд қилиб бораётган посбон хатоликка йўл қўйса, планшетчи ўз вазифасини тўлақонли уддалай олмайди. Яъни, шартли душманнинг ҳаво сарҳадимизга кирган учиш объектлари азимути, баландлиги, тезлиги кабиларни аниқлаш мураккаблашади. Бир сўз билан айтганда, буларнинг бари бир-бири билан узвий боғлиқ жараён. Хатоликка йўл қўйиш, бутун жамоанинг жанговар шайлигини издан чиқариши ҳам ҳеч гапмас. Шуни яхши ҳис қилган оддий аскар Р. Турсунқулов касбий маҳоратини ошириш учун фақат командирлардан ўрганиш билан чегараланиб қолмайди. Тажрибали аскарлар ютуқларини ўрганади, билмаганларини эринмасдан сўрайди. Масалан, оддий аскар Абдуқаҳҳор Ғуломовдан у кўп нарсаларни ўрганиб олгани сир эмас. Энг муҳими, жамоада ўзаро кўмакдошликка замин яратилган.

— Қишки ўқув мавсумини юксак натижалар билан якунлашга кўзимиз етаяпти. Буни мавсумнинг ортда қолган давридаги ютуқларимиз мисолида кўриш мумкин. Ҳатто жанговар навбатчиликдаги ҳушёрлик, сергаклиги учун бўлинмамиз посбонлари рағбатга ҳам муносиб топилди. Шахсан ўзим олган мажбуриятимни адо этишга сўз бераман. Шунда Ватан посбони деган номга муносиб бўламан,— дейди оддий аскар Равшан Турсунқулов.

Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.

# Ҳаммаси зўр бўлади

— Ҳаммаси зўр бўлади,— дейди оддий аскар Ботир Қосимов.— Чунки барча тайёргарликлардан машғулотларда фаол иштирок этяпмиз. Мана ҳозиргина ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотидан чиқдик. Энди жисмоний тайёргарлик машғулотида иштирок этамиз.

Машғулотлар қатъий режа асосида мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Шу чоққача узилишлар бўлгани йўқ. Бундан кейин ҳам бўлмайди. Машғулотларни қандай ўзлаштиришимиз бизнинг жанговар шайлигимизни белгилаб беради. Аъло бўлса аъло, яхши бўлса яхши. Бундан паст бўлиши мумкин эмас.

Ботирнинг сафдошлари — оддий аскар Шокир Умрзоқов, сержантлар Фарҳод Орипов, Дилшод Қобиловлар ҳам шундай фикрларни билдиришди. Демак, шубҳага ҳожат йўқ: ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади.

Сержант А. ЎРМОНОВ.

# Расширяя технический кругозор

— В нашем подразделении командир старший лейтенант А. Турсунов и его заместители уделяют большое внимание повышению военно-технических знаний личного состава,— говорит один из лучших специалистов рядовой А. Мамадалиев.— Для этого используются различные формы и методы. Читаются лекции, проводятся практические занятия, демонстрируются учебные фильмы, работает технический кружок, организуются встречи с мастерами боевых специальностей.

Интересно здесь прошло состязание на тему «Как ты знаешь вверенную тебе боевую технику?». Открыл его командир подразделения. Затем команды, которые возглавляли рядовые Н. Лисицын и А. Назаров, приступили к состязанию. Выглядело оно в форме постановки заранее приготовленных вопросов одной командой для другой. Наибольшее количество баллов набрала команда рядового А. Назарова, и она стала победительницей.

— Запомнился нам и вечер техники на тему «Основы электротехники»,— рассказывает рядовой М. Кадыров.— По совету командира за две недели до назначенного срока был составлен примерный вопросник и вывешен для всеобщего обозрения в комнате общественно-политической информации. После вступительного слова ведущего лейтенанта А. Юсупова собравшиеся стали отвечать на вопросы. В заключение наш командир подвел итоги и предложил нам выдвинуть новые темы для обсуждения в следующий раз. Вечер прошел активно, вызвал большое оживление, что помогло развернуть дискуссию при ответах на поставленные вопросы.

Интересно проходят здесь и вечера вопросов и ответов по технике. На них, как правило, не руководитель задает вопросы, а воины спрашивают его. Такие мероприятия готовятся здесь заблаговременно, так как порой даже подготовленные специалисты не в состоянии сразу ответить на все поставленные вопросы. Обычно воины записывают их заранее в специальные тетради.

Важную роль в военно-технической пропаганде играет здесь и наглядная информация. Оформлены стенды и транспаранты. На них помещены выдержки из уставов, наставлений и инструкций. Кроме призывов к овладению оружием и боевой техникой помещены портреты классных специалистов.

Проводимая в этом направлении работа дает ощутимые результаты. Она способствует расширению технического кругозора воинов, росту классных специалистов, повышению боеготовности подразделения.

Б. САИДОВ.

# Улардан қийинчилик қочади

Уч йигит билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. Уларнинг исмлари Пўлат, Фаёз, Фарҳод. Улар муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлишган. Айни чоғда шартнома бўйича хизмат қилишяпти. Учаласи ҳам кичик сержант — кичик командир.

— Шартнома бўйича хизмат қилишнинг ўзига хос машаққатлари бор, — дейди командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари катта лейтенант Рустам Ғаниев. — Бу машаққатларга бардош бериш учун кишида метин ирода бўлиши керак. Бу борада кичик сержантлар — П. Абдумуротов, Ф. Эрйигитов, Ф. Ғайбуллаевлар кўпчиликка ўрнак бўлишмоқда. Агар менга уларнинг фаолиятига қисқача таъриф бер десангиз, мен комил ишонч билан шундай дейман: улардан қийинчилик қочади.

— Биринчи кунлар, ростини айтсам, толиқишлар бўлди, — дейди Пўлат.

— Ҳозир йигирма тўрт соат тинмай ҳаракат қилиб турсак ҳам чарчаш бизга ёт, — дейди Фаёз.

— Қайси касб бўлишидан қатъи назар чин дилдан меҳр қўйсангиз, ўша касбнинг ҳар қандай қийинчилигини осонлик билан енгиб ўтасиз, — дейди Фарҳод. — Биз учаламиз ҳам ҳарбийликни шунчаки ҳавас билан эмас, юрагимиз амри билан танлаганмиз.

Сержант А. СОТИБОЛДИЕВ.

# НЕТ ВТОРОСТЕПЕННЫХ ЗАДАЧ

У воинов-связистов второстепенных задач не бывает. Ведь связь нужна всем: и командирам частей на командных пунктах, и экипажам танков и специальных машин, действующих в отрыве от подразделений, и воинам подразделений обеспечения. Подчиненные старшего лейтенанта А. Усмоналиева и лейтенанта Р. Ахмедова выходят на занятия в поле, четко представляя себе всю ответственность, которую налагает на них своевременное выполнение поставленной учебной задачи. Боевые расчеты сразу были настроены работать без послаблений.

— Обрыв кабеля связи на участке «Командный пункт — Сопка», — дал вводную телефонистам старший лейтенант А. Усмоналиев. — Взрывом уничтожена большая часть кабеля...

Считанные минуты потребовались младшему сержанту Р. Пардаеву, рядовому А. Улугмуродову, чтобы обнаружить на линии обрыв. Еще меньше времени заняло наращивание кабелей. Умелые руки связистов быстро соединили провода, и вот уже командиру поступает доклад:

— Есть связь!

А неподалеку лейтенант Р. Ахмедов ставит задачу отделению младшего сержанта по контракту А. Дустова: выехать на запасную позицию, развернуть антенное поле, установить для работы радиопередатчик и выйти на связь на запасных частотах.

Задача не из легких. Связистам необходимо в строго ограниченное время развернуть для работы радиостанцию, поставить лучевые антенны, наладить работу передатчика. Успех ее выполнения полностью зависит от умелых и слаженных действий самого младшего сержанта А. Дустова и его подчиненных — младшего сержанта А. Норова, рядовых А. Солиева, А. Хошимова и Б. Эгамова.

Связисты почти закончили выполнение задачи, как поступила новая вводная: «Аппаратура основного антенного поля повреждена огневым ударом противника». Оценив обстановку, младший сержант А. Дустов принимает решение развернуть запасную радиостанцию, перейти на работу от резервного источника питания, установить дополнительные мачтовые антенны.

И вновь работа до седьмого пота, пока не зазвучали в эфире новые позывные. Связь устойчивая, можно докладывать о выполнении задачи. Командир подразделения старший лейтенант А. Усмоналиев, убедившись в бесперебойности связи даже в условиях, применяемых «противником» помех, в конце занятия поблагодарил весь личный состав за отличную работу.

Лейтенант Хасан МИРЗАЕВ, корр. «Ватанпарвара».



— Ҳар бир ҳарбий учун, у оддий аскар бўладими, шартнома бўйича хизматчи бўладими, офицер бўладими, шаҳдам қадам ташлаб юриш ҳарбийликнинг асосий жиҳатларидан бири ҳисобланади, — дейди кичик сержант Насим Иброҳимов.

— Шу боис ҳам биз шаҳдам қадам ташлаб юриш машғулотларига катта эътибор берамиз, улар маромига етмагунича машқ устига машқ ўтказаверамиз.

Александр МРУЧАК олган сурат.

